

# Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2020 йил  
5 июнь,  
жума  
№ 17 (790)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## Йўлларимизда пиёдалар ҳаракати, одамларнинг ҳаловати, саломатлиги устувор бўлиши керак

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишди.**

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 460 та кўп қаватли уй фойдаланишига топширилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошди.

Бунинг натижасида, табиийки, инфратузилма тармоқларига юклама ҳам ортди. Шу боис, бу ерда қўшимча муҳандислик объектлари, туманни шаҳарнинг марказий қисми билан боғловчи йўл ва кўприклар қуришмоқда.

Хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан қиймати 83 миллион доллар бўлган 7 километр узунликдаги Сергели ер усти метроси ва унинг "Чоштепа", "Тошкент ҳалқа йўли", "Сергели", "Афросиёб", "Кипчак", "Чинор" бекатлари барпо этилмоқда.

Албатта, бу йўловчиларга катта қулайлик яратди. Лекин, шу билан бирга, автотранспорт ҳаракатини ҳам инобатга олиш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу масалага доимий эътибор қаратиб келмоқда. 29 май куни Сергели тумани фаоллари ўтган учрашувда ҳам транспорт инфратузилмасини ри-

вожлантириш чоралари муҳокама қилинди. Ушанда Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси ҳақида маълумот берилган эди. Президентимиз бугун ушбу лойиҳани жойига чиқиб, атрофлича ўрганди.

Умумий қиймати 280 миллиард сўмдан зиёд бўлган мазкур лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Туркиянинг "Kaloyn" компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Унга кўра, Чўпонота кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишмасида 583 метрлик йўл ўтказгич барпо этилади. Бу чорраҳадан Тошкент ҳалқа йўлигача янги кўча қурилиб, ҳалқа йўли остидан туннель орқали ўтказилади ва Кипчак кўчасида қурилаётган янги кўприкка туташади.

Жами 5,6 километрлик бу йўл соатига 3 минг транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.

Маълумки, ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан битта йўл — Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланади. Шу боис, унда қатнов жуда кўп, юклама катта. Айниқса, эрталаб ва кечга яқин бу кўча тирбанд бўлиб қолади. Ушбу янги йўл ва кўприклар қурилиши натижасида Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50

фоизга, транспорт ҳаракати вақти 20-25 минутга камайд.

— Одамларнинг ҳар кунлик режасига, кайфиятига, соғлиғига таъсир қиладиган энг катта омил — транспорт тақсими. Йўллар қуриб, тирбандликни камайтиришдан мақсад шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга қулайлик яратишдир. Бу ишларни бугун қилмасак, йилдан-йилга қийинлашиб бораверади. Бугун қилсак, келажакда ҳаражат камайд, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Тошкент шаҳрининг транспорт концепцияси тақдимоти ўтказилди.

Бу концепция геоинформацион тизим орқали шаҳардаги транспорт ва йўловчилар оқимини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган. Ундан мақсад, аввало, хавфсизлик, қулайлик ва иқтисодий самарадорликдир.

Масалан, йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш натижасида йилга 19 миллион долларлик ёқилги тежаланиши, 129 миллион долларлик тахминий зарарнинг олди олиниши ҳисоб-китоб қилинган. Ёки автобуслар сони ва йўналишларини оптималлаштириш орқали йилга 2,5 миллион доллар иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Концепцияда, шунингдек, автоматик тўлов тизимини ривожлантириш,

автомобиль тўхташ жойлари ва пиёдалар ўтиш йўлакларини кўпайтириш каби қатор қулайликлар назарда тутилган.

Президентимиз пиёдалар ва велосипедлар ҳаракатига кўпроқ шароит яратиш зарурлигини қайд этди.

— Бизнинг йўлларда транспорт воситаларига кўп устуворлик берилган. Аслида пиёдалар ҳаракатини, одамларнинг ҳаловати, саломатлигини биринчи ўринга қўйиш керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Транспорт концепциясини Тошкент шаҳрининг битта туманида апробация қилиш, кейинчалик бутун пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларда жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда Яккасарой туманида кўп қаватли савдо комплекси, меҳмонхона ва турар жой қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари тақдимотлардан сўнг Сергели туманини пойтахт маркази билан боғлайдиган ва транспорт ҳаракати учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўл ўтказгични кўздан кечирди. Мутасаддиларга транспорт оқимига қўшимча қулайликлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎЗА

Марказий Осиёнинг тинчлиги ва барқарорлиги тараққиёт ва фаровонлик нуқтаи назардан бирламчи масала. Шу заминда яшаётган халқларнинг аҳилиги ва ҳамжиҳатлиги, том маънодаги сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг бош гарови. Бу ерда буй кўрсатадиган учқун эртага аланга олмаслиги, ҳўлу қуруқ баробар ёнадиган оташга айланмаслиги, қулай вазиятни кутиб турган геосиёсий ўйинчилар эса минтақада барқарор ўрнашни мақсадида панжасини ёймаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Тан олиш керак, Марказий Осиёда йиллар мобайнида давом этиб келган совуқ муносабатни яхшилашда Ўзбекистондаги ўзгаришлар, Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақа давлатлари ўртасидаги мулоқотларни яхшилаш, чегараларни очиш, виза тартибларини бекор қилиш, халқлар ўртасида борди-келдини йўлга қўйиш борасидаги ташаббуслари қўл келди. Ўртадаги музликлар,

балад-балад айсберглар эриди. Дўстлик кўприкларини тикланди, ишонч мустаҳкамланди. Халқаро валюта жамғармаси директори вазифасида ишлаган, айна пайтда Европа Марказий банкига раҳбарлик қилаётган Кристина Лагард Шавкат Мирзиёев ташаббусидан кейин минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро махсулот айирбошлаш ҳажми 50 фоизга ошганини эътироф этди. Ахвол шу тари-

## Халқларимиз азалий дўстлик йўлидан ҳеч қачон огишмайди

зда давом этса, минтақага киритиладиган инвестициялар оқими кескин ошиши башорат қилинди.

Афсуски, Сўхда — ўзбек ва киргиз чегарадош ҳудудида икки халқ вакиллари ўртасида юз берган можаро, ўтган йил июлдан бери Қирғизистон билан Тожикистон чегара устакаларида давом этаётган айрим тўқнашувлар барчамизни бирдек ташвишга солди.

Бу можаролар кеча ёки ўтган кунни тўсатдан содир бўлиб қолган эмас, илдири чучур. Аниқроғи, ўша вақтда-

ги совет ҳукумати давлатлар чегарасини шундай белгилагани, вақт ўтиши билан "портлайдиган бомба" вазифасини ўташини хоҳлаган.

Советларнинг миллий давлат чегаралаш сиёсати натижасида, масалан, Қирғизистоннинг бир қисми Тожикистон ёки Ўзбекистон ичкарисида, Ўзбекистоннинг бир бўлаги эса Тожикистон ёки Қирғизистон ҳудудида қолиб кетган. Бундай чигалликлар Марказий Осиё давлатларининг барчасида мавжуд.

Ўзбекистон кўшиклари учун доимо очик. Дунёнинг ҳар қан-

дай мамлакатини билан икки ва кўп томонлама алоқаларни ўзаро манфаатли асосда, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келган муаммоларни тинч, сиёсий ва дипломатик музокаралар йўли билан ҳал қилиш ташқи сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан. Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, коронавирусдек офат тарқалган кезде ҳам ўз номини кўшиклари билан бўлиши йиллик геосиёсий қулчарга тинчлик бермаётгани аниқ.

(Давоми 2-бетда) ▶

### Бунёдкорлик

## Катта ўзгаришлар йўлидаги нурли бекат

Ҳар кун ишга бориш-қайтишда Сергелида қурилган янги, кўп қаватли уйларни кўриб, тўғриси, қайратимиз яшира олмайман. Бир неча йил олдин "бу кўримсиз жойлар обод бўлармиш, ҳарвасиз ётган ерлар ўрнида кўп қаватли уйлар қурилармиш" дейишса, ишонмасдим. Орадан 3-4 йил ўтар-ўтмас, бу ерда янги уйлардан иборат каттагина янги ҳуқуқ, бир туман пайдо бўлди. Ҳа, барчаси кўз ўнгимизда рўй берди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланмоқда, десак, муболага бўлмайди. Айниқса, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича замонавий тизим яратилди. Шаҳарларда қурилаётган кўп квартиралар уй-жойлар, қишлоқ жойларида қад ростлаётган намунали уйлар бунга мисол бўла олади. Қурилаётган уй-жой-

лар аҳолини, жумладан, ёш оилалар, уйга муҳтож фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айниқса, Сергели туманида бунёд этилган кўп қаватли уйлар ҳудуди бундан икки-уч йил аввалгига қараганда ўзига хос кўринишга эга ажойиб шаҳарчага айлангани бир қарашдаёқ кўзга ташланади.



Халқимизда "Уйи борнинг йўли бўлмайди" деган нақл бу — рўзгор бутлиги, кўнгли хотиржамлиги ва фар-

зандлар камоли учун шахсий турар жойнинг ўрни жуда муҳим эканига ишорадир. Мамлакатимиз аҳолиси йилдан-

### Якшанба кунини ҳисобга олмаганда,

Учқудуқ тумани марказида ҳаёт бир зайлда кечади: эрталаб соат еттилардан бошлаб, бир-икки ишга кетувчилар кўзга ташланади. Ярим соатлар ўтгач, пиёда, велосипедда, енгил автомобилларда ишга кетаётганлар билан кўча бирдан гавжум тортади.

### Қилмиш-қидирмиш

## Тўғри йўлдан адашганлар

қонун олдида жавоб беришди

Ўтган йилнинг 18 сентябрь куни ҳам худди шундай бошланганди. Лекин қутилмаганда эрталаб соат тўққизларда туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисми хизмат телефони безовта жингиллади. Кўнғироқ қилувчи аёл гоётада ташвишли оҳангда Геологлар кўча-

си, 20-уйда яшашини айтarkan, хонадонда ўғирлик юз берганини хабар қилди. Жиноят уч қаватли уйнинг биринчи қаватидаги фуқаро Олим Бобонозов (исм-шарифлар ўзгартрилди)га тегишли хонадонда юз берганди.

Изуварлар етиб келишганида воқеа жойида хонадон соҳибаси, ички ишлар идорасига кўнгирок қилган Гулсанам билан унинг воёга етмаган, ўн ёшли ўғли Алижон бор эди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда ҳар бир инсон кимлиги, қайси миллатга мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши ва диний қарашларидан қатъи назар, давлатимиз ҳимоясида.

### Муносабат

## Кечиримлилик ҳам адолатдандир



Бу ҳимоя турли хил йўллар билан амалга оширилади. Шулардан бири жиноят содир қилган ва жазо ўташ жараёнида қилган жиноятдан тўғри хулоса чиқарган, қилмишидан пушаймон бўлган, жабрланувчиларга етказилган зарарларни қоплаган жисмоний шахсларни афв этиш, яъни кечирдиришдир.

Демократия қоғозда эмас, амалда буй кўрсатган юртда инсон ҳуқуқлари тўлиқ таъминланади, кечиримлилик сиёсати амал қилади. Бунда бировнинг манфаати ўзгариш тинч ва фаровон ҳаётига дахл кўрсатмай, тарозининг ҳуқуқ ва бурч палласи тенг ушланган ҳолда ислохотлар таъбиқ этилади.

Юртимизда жиноятлар профилактикасига катта эътибор қаратиш керак. Жиноятларнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари

доимий кун тартибидеги долзарб масалалар қаторидан ўрин олган.

Шубҳа йўқки, жиноятга жазо муқаррар. Ноқобил инсон ноўрин хатти-ҳаракатига яраша жазоланиши ҳеч ким инкор этмайдиган ҳақиқатдир.

Аммо демократик тамойиллар қарор топган, инсонпарварлик мезонларига амал қилмайдиган юртда тарбиянинг турли самарали усуллари қўлланилади. Айбдорни кечириб, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлган шахснинг узрини қабул қилиш шундай ибратли усуллар сирасига кирилади.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенг. Кечириб мамлакатимиз қонун ҳужжатларига мувофиқ икки усулда амалга оширилади. Яъни амнистия бериш ва афв этиш.

(Давоми 3-бетда) ▶

### Оқлов

## Адолат қарор топди

И.Эшмуродов 11 йилдан сўнг оқланиб, жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида "Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман" дея таъкидлаганди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 6 февралдаги ва жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 28 майдаги Жондор тумани Пешдан қандоқ қишлоғида яшаган Ихтиёр Эшмуродовга нисбатан чиқарган ажримлари давлатимиз раҳбарининг ана шу фикрларига муносиб жавоб бўлди. Яъни мазкур ажримлар натижасида муқаддам — 2009 йилда ноҳақ судланган И.Эшмуродов 11 йил деганда оқланиб, жазони ижро этиш колониясидан озодликка чиқарилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, Ихтиёр Эшмуродов қайси хатти-ҳаракати учун айбдор деб топилганди?

Ҳақ шундаки, Ихтиёр Эшмуродов жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2009 йил 3 августдаги ҳукмига биноан судланган. Мазкур ҳукмда қайд этилишича, И.Эшмуродов ўз ҳамқишлоғи Тамара Юллеванинг жуда кўп миқдордаги — 10.164.000 сўмга тенг бўлган 7.000 АҚШ долларини (2009 йил 29 январь куни 1 АҚШ доллари 1.408 сўм 44 ти-йин тенг бўлган) қўлга киритмоқчи бўлган.

Шу мақсадда И.Эшмуродов

2009 йил 29 январь куни кеч соат 22:30 да Т.Юллеванинг ётоқхонасига гайриқонуний равишда бостириб кириб, аёлнинг ўзи ҳамда 2000 йилда туғилган невараси, воёга етмаган Умрия Ҳамроевага ҳужум қилади. Яъни аввалгига ухлаб ётган, ожиз аҳволдаги Т.Юллевани ўнгида бўғди. Сўнгра ўзи билан олиб келган ёғоч таёқ билан бир неча марабата уради.

Кейин воёга етмаган Умрия ҳам ўлдириш учун худди шу тарзда кетма-кет зарба беради. Оқибатда буви ва набира хўшларидан кетиб, йиқилишади. Бундан фойдаланган И.Эшмуродов эса, иккаласининг устига ётоқхонадаги кўрпа-тўшакларни ташлаб, ёқиб юборди-да, воқеа жойидан яширинди.

Аммо оловнинг куйдиришиданми ёки бошқа сабабми, ҳар ҳолда хонадон соҳибаси тезда ўзига келади. Сўнг И.Эшмуродовнинг қиқиб кетганига ишонч ҳосил қилган, кўни-кўшиларини ёрдамга чақиради. Пировардида кўпчилик бўлиб ёнгини бартараф қилишади. Аниқроғи, "меҳмон"нинг жинояти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етмай қолади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Оқлов

Адолат қарор топди

И.Эшмуродов 11 йилдан сўнг оқлашиб,

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур жиноий қилмиш содир этилган, Ихтиёр Эшмуродовга нисбатан Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми "а"-бандида кўрсатилган ўзганин жуда кўп миқдордаги мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик қилиш, шунингдек, 25, 97-моддаси 2-қисми "а, в, ж, и"-бандларида кўзда тутилган тамагирик ниётида икки ёки ундан ортиқ оғир ахволдаги шахсни қасддан ўлдиришга суиқасд қилиш айблари билан жиноят иши кўзга ташланади.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди эса, ўзининг юқоридаги ҳукми билан уни 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этади. Суднинг 2009 йил 3 сентябрдаги апелляция ажримини билан ҳукм ўзгаришсиз қолади.

Буни қарангки, шундан бунён И.Эшмуродов жазо муддатини ўтаб келаётган бўлсада, виждони олдида ўзини мутлақо айбсиз деб биларди. Шунинг учун жимоячиси — Бухоро шаҳридаги "Адолат мезони" адвокатлик фирмаси раҳбари Тожтемир Адизов 2019 йил 14 декабрда кунини вилоятда ўтказилган сайёр қабулда унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Комилловга мурожаат қилиб, адолатни қарор топтиришда амалий ёрдам сўради.

Натижада Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати томонидан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2009 йил 3 сентябрдаги апелляция ажрими бекор қилинди. Жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилди.

Суд жараёнида аён бўлдики, биринчи босқич суди жиноят ишини кўришда Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Олий суд Пленумининг тегишли қарори талабларига риоя қилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ихтиёр Эшмуродов жазо муддатини ўтаётгани боис суд ишни видеоконференцлоқа режимида кўриб чиқди.

— Мен ҳамқишлоқ бўлгани сабабли жабрланувчи Тамара Юлиевани ҳам, оила аъзоларини ҳам танийман. Лекин унинг уйда содир этилган босқинчиликка менингни мутлақо даҳиман йўқ. Бу ҳақда тергов жараёнида хабар топганман. 2009 йил 29 январь кунини кечкурун соат 21:00 ларда уйимдан юз метр наридаги кўшим Боқиев Исломдан DVD диск олиб келиб, телевизор кўриб ётдим. Кейин ухладим. Жиноят юз берган кун уйда бўлганимни бошқа гувоҳлар ҳам тасдиқлашди мумкин. Қолаверса, жабрланувчи билан уйимнинг ораси 3 километр келади. Тўғри, Тамара Юлиеванинг турмуш ўртоғи Бахтиёр Юлиев билан гоҳ-гоҳида карта ўйнаб турганмиш. Аммо уларникида пул борлигини билмаганман. Тергов даврида жиноятни бўйинмага олишимни талаб қилиб, турли жисмоний ва рухий таъйирлар ўтказишди. Ҳатто чўнтагимга ёки уйимга гиёвандлик воситасини ташлаб бўлса ҳам, қамаш билан кўрқитишди. Кейин мени уч сутка қийнаб, бармоқ изларини олишди. Бироқ мен бу жиноятни қилмаганман, виждоним олдида ўзимни айбсиз деб ҳисоблайман. Шунинг учун адолатли қарор чиқариб, мени оқлашганини сўрайман, — дея И.Эшмуродов жазони ижро этиш колониясида турган ҳолда видеоконференция орқали кўрсатма берди.

Дарҳақиқат, судланувчининг кўпинчиси, яъни пайтада Россия Федерациясида бўлган Малоҳат Жумаева ва 2019 йил 2 июлда вафот этган Ислом Боқиев биринчи босқич судидаги кўрсатмаларида ўша кеча И.Эшмуродов уйда бўлганини тасдиқлашган.

Буни қарангки, жиноят иши ҳужжатларида воқеа жойини кўздан кечириш 2009 йил 30

январь кунини тунги соат 01:20 да, яъни воқеадан 3 соатча ўтиб ўтказилгани, бармоқ излари уйга кириш эшигининг дераза ойнасида олинганини қайд этилган. Аммо ўша кеча маҳаллада чиқок бўлмаган.

Шундай экан, чиқок йўқлигида кўздан кечириш жараёни қандай амалга оширилгани, эшик деразасидаги бармоқ изи қоронғуда қандай олингани ажабланишни эмасми? Қолаверса, кўздан кечириш жараёни тунда ўтказилгани ҳолда баённомага илова қилинган суратлар кундузи олингани қизиқ.

Бундан ташқари, воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида фуқаролар Зафар Бобоев ва Ҳамро Ҳамроев ҳолис сифатида иштирок этгани баённомада қайд этилган. Бироқ апелляция инстанциясида сўроқ қилинган З.Бобоев ушбу жиноят ҳақида эртаси кунини — 2009 йил 30 январь кунини соат 09:00 ларда эшитганини, ҳолис сифатида иштирок этган яна бир фуқаро Ҳ.Ҳамроевни танимаслигини, баённомадаги ҳамда туман ИИБ бошлиғи номига ёзилган тушунтириш хатидаги имзолар ўзиники эмаслигини маълум қилди.

Шунингдек, жабрланувчи Т.Юлиева дастлабки тергов жараёнида уйига кирган шахсни танимаганини, у ҳеч қандай пул ва бошқа мулклар талаб қилмаганини, ўша номаълум шахс ўзини тимдалаб, тан жароҳати етказганини таъкидлаган бўлса-да, кейин эса, уйига бостириб кирган шахс айнан И.Эшмуродов эканлиги ва у шафқатсизларча уриб, пул топиб беришни талаб қилганини билдириб, кўрсатмаларини бир неча марта баъза ўзгаришган.

Кўнун талабига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан кўнун нормаларини аниқ бажаришда ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекинмиш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас, демакки, яроқсиз деб топилишига олиб келади.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига мувофиқ, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбни эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстини тўлдириб, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларга асос қилиб олинishi лозим.

Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг апелляция хайъати суднинг 2009 йил 3 августдаги ҳукмининг бекор қилиб, Ихтиёр Эшмуродовни айбсиз деб топиб, оқлади.

Энг мумҳими, юзи ёруғ бўлган қаҳрамонимиз Охангарон шаҳридаги жазони ижро этиш колониясида дарҳол озод қилинди.

Суд ажримини И.Эшмуродовга жиноий таъкиб натижада ўзига етказилган мулк, маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят-процессуал кодексининг 304-313-моддалари тартибида бартараф қилиш ҳуқуқи ҳам тўшатирилди.

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш зарурки, судланган шахсининг оқлини, жазони ижро этиш муассасасидан озодликка чиқиши деярли учрамайди деган ҳолат. Бу ҳам бўлса, Президентимиз ташаббуси билан юзага чиқарилган адолатнинг чинакам, тўлақонли ва ёрқин ифодасидир.

Абдуманнон ШАЙДОВ, жиноят ишлари бўйича раисининг ўринбосари

Хурийд СУЛТОНОВ, "Куч — адолатда" мухбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Боз устига, мустабид тузум давридан мерос миллий чегараланиш сиёсати ҳам уларга қўл келмади.

Минтақадаги барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечими фақат дўстлик, ҳамжиҳатлик ва халқаро муаммоларга ягона позицияда ёндашувга боғлиқ эканини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шундай эътироф этганди: "Ҳамма қўшнилар билан биз дўст бўламиз. Бошқа ниёти-миш ҳам йўқ. Албатта, кўп-кўп муаммолар бор, лекин одамзод шунинг учун, раҳбарият шунинг учун борки, бу муаммоларни ақл билан, ирода билан, вазминлик билан ечиш керак... Ҳар бир давлатнинг ўз ниёти, ўз халқи, ўз истаклари бор. Шунинг учун биз дўстлик нуктаи назаридан, самимийлик нуктаи назаридан, биродарлик нуктаи назаридан қўшниларимиз билан фақат дўст, дўст ва яна бир марта дўст бўламиз".

Ўзбекистон ўзи ҳам коронавирус эпидемиясини жиловлашга уринаётганига қарамай, Афғонистон, Қирғизистон, Эрон, Хитой каби кўплаб мамлакатларга тиббий ниқоблар, вирусдан ҳимояловчи кийимлар, тест тизимлари, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат инсонпарварлик ёрдамларини жўнатди. Айни муносабат ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Марказий Осиёнинг коронавирусга қарши саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мутасил равишда узоқ ва яқиндаги қўшни раҳбарлари билан мунтазам телефон орқали мулоқотлар ўтказмоқда.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёнинг икки қирғоғида яқин қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз умумий, маданий ва диний қадриятларимиз муштарак, анъана ва урф-одатларимиз ўхшаш. Махшур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, "Халқларимизнинг қони бир, тили бир".

Ҳеч иккиланмасдан айтиш жоиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Қирғизистон асосий йўналиш сифатида устуворлик касб этади. Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг сўнги 3-4 йилдаги олий даражадаги учрашувлари тўғрисида давлатларимиз ва халқларимиз ўртасида сунъий тўсиқлар бартараф этилди, чинакам борди-қолди тикланди.

2016 йил охирида Андижон ва Ўшда бўлиб ўтган расмий делегациялар учрашувларидан сўнг икки республика ҳукуматлари энг асосий муаммо — чегаралар демаркацияси ва делимитацияси борасида мураккаб ишнинг амалга оширишга киришди. Томонлар ўртасидаги сўнги келишувлар ва масалада сезиларли равишда олға қадам ташланганидан гувоҳлик бериб турибди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиллов таъкидлаб ўтганидек, 2018 йил апрель ойидаёқ "Қирғизистон

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Уйнинг меҳмонхонасига қўшилган балкон қисмида "болгарка" ускунаси электрузайвнинг қилини уланганича темир сейфнинг ёнида, гилам устида турарди. Бир қарашда сейф эшиги ана шу "болгарка" ускунаси билан қирқиб очилганини англаш қийин эмас эди.

Гулсанамнинг изох беришича, сейфда асосий қисми 10 минг сўмлик, қолгани 5 минг сўмлик купурода 26 миллион 500 минг сўм пул, бундан ташқари оила аъзоларига тегишли шахсий ҳужжатлар ҳамда бир дона аёллар узуги бўлган. Узук билан ҳужжатлар жойида қолган, пуллар эса, ўғирланган. Ҳолатни ўрганиш, воқеалар ривожини ушбу жиноят ўғирлик эмас, балки оғир қилмиш — босқинчилик эканлигини тасдиқлади. Негаки, дастлабки суриштирув чоғида худди туман тарҳат, атрофга қуёш нур сочгани каби асл ҳақиқат равшан торта бошлаганди...

Ўша оқшом Гулсанам тунги ишда эди. Оила бошлиғи Олим эр талаб соат еттига, Ўфтайлар чамаси ишга, қизи Нурфосат отасидан сўнг бироз вақт ўтиб, мактабга ўқишга кетган эди. Бу пайтда уйда Алижон ёлғиз қолган, дарси кунининг иккинчи ярмида бўлгани сабаб ҳали у уйқудан турмаганди.

Айни шу маҳал қутилмаганда, эшик тақиллаб қолади. Ўтган жойидан туриб, эшик олдида борган Алижон "ким?" деб сўрайди. Нарғи томондан "Сантехник" деган жавобни эшитгач, у эшикни очди. Эшик бўсағаси олдида юз қисми рўмолча билан тўсилган бир киши турганди.

— Уйда ким бор? — сўрайди у. Кейин уйда ҳеч ким йўқлиги, ёлғиз ўзи эканлигини боладан эшитгач, ичкарига қиради, сув билан электр токини текширишни айтиб, бир варақ қозғоқ билан қалам олиб келишни сўрайди. "Даданг ишга кетдими, аянг қаер-

билан ҳамкорликнинг кўплаб йўналишлари бўйича олдинга қадам ташланди, хусусан, чегаралар демаркацияси ва делимитацияси каби қийин, нозик масалада ҳам. Бугунга келиб деярли минг километр чегара белгилаб бўлинди".

Дарҳақиқат, умумий узунлиги 1370 километрни ташкил этувчи Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасининг бугунгача 92 фоиздан кўпроғи бўйича келишиб олинган. Тошкент ҳам, Бишкек ҳам муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳаракатларни дадил давом эттиряпти.

Муз ҳақиқатан жойидан қўчгани ойдинлашди. Нафақат чегараларни демаркация қилиш, балки фуқароларнинг чегараларни кесиб ўтиши борасида ҳам силжиш кузатилди. Яқин-яқинда чегара олди низолари сабаб тез-тез тўқнашувларга дуч келган давлатлар

Халқларимиз азалий дўстлик йўлидан ҳеч қачон оғишмайди

учун бу олдинга ташланган катта қадамдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташрифи икки мамлакат раҳбарлари томонидан Самарқандда эришилган келишувларнинг мантиқий давоми бўлиб, Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ривожидан янги саҳифа очгани билан тарихий аҳамият касб этди. Буни нафақат расмий доиралар вакиллари, балки оддий қирғизистонликлар ҳам эътироф этди. Ижтимоий тармоқларда қирғизистонлик фойдаланувчилар "Халқларимиз ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин", "Ўзбекистон Президентининг ташрифи йилнинг энг яхши янгилигидир", "Ўзбекистон бизнинг стратегик шеригимиз ва Қирғизистон ҳукумати бу ҳамкорликни давом эттириш учун барча шароитни яратиши керак", деган фикрларни ёзди. Икки томонлама муносабатлари ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Қирғизистоннинг "Данакер" ордени билан мукофотланди. Юксак давлат мукофотларидан бўлган ушбу ордени халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, миллатлараро тотувликни асраш, илм-фанни ривожлантириш, илмий маданиятларни яқинлаштириш ва бойлатишга катта ҳисса қўшган инсонларга берилади. "Данакер" — яраштирувчи деган маънони англатади.

Тўғриси айтиш керак, 1991 йилдан бу ёғига ўзбек-қирғиз муносабатлари бир текис кечмади. Ҳатто, 2010 йили айрим миллатчилар томонидан

металл жисмини кесаётганда баланд овоз чиқишини ёш бўлса-да, Алижон биларди. Алижон юзтубан ётган, яна денг, боши ёстиқ билан ёпилган бўлса-да, босқинчилар "болгарка" ускунаси билан сейфни кесиб очишга уринаётганини аниқ билиб турарди.

Кўп ўтмай "болгарка"нинг овози тинди. Балкондаги одамнинг "иш битди" дегани кўлоғига чалинади. Шунда Алижон босиб турган одам ҳам ўрнидан турди. Аммо у болани шундай ҳолатда ташлаб кетиш ниётида эмасди. Шунинг учун у Алижоннинг аввал қўли, кейин оёғини "скок" билан маҳкам боғлайди. Шундан сўнг улар уйдан чиқиб кетишди. Босқинчилар О.Бобожоновга тегишли нарҳи 2 миллион сўмлик "Samsung J-4" русумли мобил аппаратини ҳам олиб кетишганди.

Гулсанам эр талаб соат саккизи ўттизларда ишдан чиққач, йўл-йўлақай "Голден сити" қавахонасининг биринчи қауатидаги кийим-кечақлар дўконига кириб ўтмоқчи бўлди. Аммо дўкон ҳали очилмагани тўғрисида соат тўққизда уйига етиб қолди.

Бу пайтда Алижон бир амаллаб боғлаган қўл-оёғини ечиб, йилмаган қўли орасини қарши олди. Алижон қаттиқ қўрқувга тушганидан ранг-рўйи оқариб кетган, ҳуши ҳам ўзида эмасди. Буни кўриб, онаси азбаройи хавотирга тушганидан ички ишлар идорасига хабар бергач, "Тез тиббий ёрдам" бўлимига ҳам қўнғорқ қилди.

Шифокорлар текширувидан сўнг ўғлининг саломатлиги ҳақида она кўнглини эгаллаб турган хавотир кўтарилди. Фақат туман суд тиббий экспертиза бўлими жабрланувчи, воёга етмаган А.Очилов энгил тан жароҳати олгани, унинг муддати воқеа рўй берган соатга тўғри келиши тўғрисида хулоса берди.

Босқинчилик жинояти содир этилган Геологлар қўчаси 20-

Қирғизистон жанубида тўполонлар уюштирилди. Мавжуд муаммоларга қарамай, Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳар доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Утган йили Ўзбекистон Қирғизистонга 100 миллион долларлик кредит ажратди.

Яна бир масала. Осиёнинг етакчи давлатлари бозорларига чиқишда Қирғизистоннинг транзит имкониятлари биз учун жуда муҳим. Масалан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Хитойга ушбу давлат орқали экспорт қилиш учун бор-йўғи 300 километрга яқин масофани босиб ўтиш керак, холос. Демак, Қирғизистон орқали Хитойга ўтадиган қисқа масофали темир йўл ишга тушса, нафақат Хитой, балки Яқин Шарқ, Европа ва Осиё давлатлари билан алоқаларимиз кескин

ривожланади. Бу минтақадаги транспорт йўналишларини диверсификация қилишда яна бир муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари икки-уч кун аввал телефон мулоқоти орқали "Чашма" чегара олди ҳудудида рўй берган ҳодиса билан боғлиқ масалаларни батафсил кўриб чиқиб, бундай вазият бошқа такрорланмаслиги учун мукамал чоралар қабул қилиш муҳим эканини таъкидлади. Ҳукумат делегациялари ўтказган музокара-ларнинг самарали натижалари мамуният билан қайд этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Қирғизистон Ҳукуматлараро қўшма комиссияси ҳамда Чегарадош вилоятлар маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисларини ўтказиш таклифи қўллаб-қувватланди. Боткен вилоятининг Қадамжой туманидаги Чечме (Чашма) чегара олди ҳудудида Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳуқуқ-тартиб идоралари биргаликда жамоат тартибини сақлаш ва чегарани қўриқлаш бўйича чоралар кўришга келишиб олинди.

Албатта, келишган, бирлашган яхши. Халқимизда яхши бир нақл бор: "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар". Марказий Осиё халқлари унутмаслиги керак, мустамлакачилар ҳар доим "бўлиб ташла, ҳукмронлик қиласан", ширинга амал қилади. Собик тузум Туркистон халқлари бошига не кунларни солмади?! Инсонийлик ва демократия тамойиллари топталиб, оёғоти қилинди, ҳар қандай ўзгача фикр юритиш куч билан бўғилди, оммавий ўзбошимчилик ва зўрлик ўтказилиб, Ватанга содиқ неча ўн минглаб кишилар қириб ташланди. Октябр тўнғариши оқибатида Тур-

кистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачи советлар тузуми биринчи кундан бошлаб халқларимиз бошига сон-саноксиз қиргин, даҳшатли ва аламли қулфатларни олиб келди. Даҳшатли режими ўлка халқлари ҳазм қилмади. Истиклол учун, эрк ва миллий озодлик учун 16 йил мобайнида қуролли кураш олиб борилди. Бу кураш давомида, хориздаги айрим тарихчилар ҳисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хоржий мамлакатларга чиқиб кетди. 1 миллион 700 минг киши Сибирга, Узоқ Шимол, Украина, Шимолий Кавказ, Урал, Қозоғистон, Узоқ Шарқ, Волга бўйига бадарга қилинди. Сталинча мустабид ҳокимият дастидан миллий республикалар мустақиллиги, суверенлиги барбод этилибгина қолмай, уларнинг диний эътиқоди, асрлар оша яшаб келган миллий қадриятлари, урф-одатлари, расм-русумлари ҳам топталди. Динни, диндорларни таъкиб қилиш халқларнинг маънавий маданиятига жиддий зарар етказди. Маъмурий ислохот тартиби ўрнатилиши билан динга илмий, миллий нуктаи назардан ёндашиш инкор этила бошланди.

Унутмайлик, минтақа зибиллари ва диндорларнинг асосий қисми 1930 йилларда концентрацион лагерларга жўнатилди. Масжидлар беркитиб қўйилди, аксарияти тохона, омборхонага айлантилди. Зулмга қарши адолат ўрнатилган бўлса-да, сталинизм вужудга келтирган тоталитар тузум бе-додлиги ва бешафқатлиги халқларимиз орзу-умидларини қилпарчин қилди. Миллатнинг тил-забони кесилди, алифбоси ўзгаририлди, ўтмиши, тарихи кўздан йироқлаштирилди. Қатагон сиёсати собиқ мамлакат миқёсида 50 миллиондан ортиқ кишини ўз домига тортди. Шу нуктаи назардан, Марказий Осиёдаги Ўзбекистон бош-лаб берган интеграция ташаббуси, шу жумладан, Президентларнинг чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, турли жанжаллар ва адолатларга барҳам бериш борасидаги интилишлари халқларимизнинг азалий орзу-армонларини рўёбга чиқариш йўлида олиб борилаётган савобли умумшарҳидир.

Хулоса қилиб айтганда, азалий қардош, тинчликсевар халқларимиз доимо тинчлик, ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик каби инсоний қадриятларни қадрлаб келган. Ташқи сиёсатда, хусусан, биринчи навбатда, Марказий Осиё минтақасида икки ва кўп томонлама манфаатли шериклик тамойилни ёқлайдиган Ўзбекистон ва яқин ҳамкоримиз Қирғизистон ҳар қандай вазиятда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тараққиёт сари биргаликда одимлашда давом этаверади.

Абдували СОЙБЕНАЗАРОВ, сиёсий шарҳловчи. УЗА

Қилмиш-қидирмиш

Тўғри йўлдан

билан Зариф Тожидинов босқинчилик уюштиришни қузатув камералари орқали ўз исботини топган, жабрланувчи Алижон Очиловнинг кўрсатмаси ҳам бунини тўлиқ тасдиқла-наётганидан юқорида муҳтарам ўқувчи хабардор бўлган эди. Аммо тергов чоғида парда ор-тида ушбу жиноий қилмишнинг яна бир иштирокчиси борли-ги маълум бўлди. Бу — Доно-кул Жумабоев эди.

Д.Жумабоев 1994 йилда ту-риган, оилали, бир нафар фарзанди бор. У Зариф билан мактабда, Пирназар билан эса, коллежда бирга ўқиган. Шун-дан қилиб, Донокул Жумабоев терговга чақирилди, иш бўй-ича унга нисбатан "қамок" эҳти-ёт чораси қўлланилди...

Ҳаётда баъзи одамлар ўта очикўнгли бўлади: бундай ки-шилар эртанги режаси, орзу-хавасини ишхонада, кўпчилик олдида ҳаммани ўзига дўст билиб, очилиб-сочилиб гапи-раверади. Буни қарангки, баъ-зан ана шундай очикўнглилик ҳам кишига панд берад экан.

Юқорида баён этилган бос-қинчилик жинояти содир эти-либ, суриштирув ва қидирув ишлари тезкорлик билан олиб борилаётган паллада Олим бу қутилмаган ташвишларга ўзи-нинг тили сабабини эканлиги-дан беҳабар эди.

Кейинчалик эса, ўзи билан бирга ишлайдиган Д.Жумабо-евнинг иштироки, шериклари-га жиноят содир этишга қўмақ берганидан хабар топгач, гап-нимада эканини тушуниб етди.

У тоғ усқуналарини тазмир-лаш чеҳида электр пайванд-ловчи бўлиб ишлар, ишга ве-лосипедда қатнар, энгил авто-машина сотиб олиш учун маб-лаг йиғайтган эди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра 2017-2020 йилларда Тошкент шаҳрида 500 та кўп қаватли уй қурилиши белгиланган эди. 2017-2019 йиллар давомида Сергели туманида 460 та янги кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Барпо этилган кўп қаватли уй-жойларнинг умумий ер майдони 145 гектарни ташкил этади. Буюртмачи "Ушашар қурилиш инвест" инжиниринг компанияси. Лойиҳага асосан 7 қаватли, 9 қаватли ва 1 та 16 қаватли уй-жойлар қурилди. Шулардан, 1 хонали 196 та, 2 хонали 9424 та, 3 хонали 7026 та, 4 хонали 104 та хонадон ўз эгаларига топширилди.

Маълум қилинишича, мазкур кўп қаватли уйларга махсус иситиш қозонлари ўрнатилди. Мазкур қурилма куз-қиш мавсумида хонадонларни иситишни меъёрида таъминлаш билан бирга сувни иситишга хизмат қилади.

Био фасади энергия тежовчи материаллар, шунингдек, хизмат кўрсатиш давомийлиги узоқ мuddатга мўлжалланган пардоз гишталари билан қопланган. Ҳар бир био лифт билан жиҳозланган, видеокузатув тизимига эга. Ҳар бир хонадон таъмирланган ҳамда газ плитаси, ошхона мебели ва сантехника буюмлари билан жиҳозланган.

Бу бунёдкорлик давомида болаларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ижтимоий ҳимояга мўхтож оилаларнинг, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини

Бунёдкорлик

Катта ўзгаришлар йўлидаги нурли бекат

ҳал этиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Худудда уйларнинг пастки қаватларида 4 та мактабга таълим муассасаси, 2 та поликлиника, 14 та савдо шохобчаси, бундан ташқари худудда 5 та мактаб, 5 та МТМ, болалар майдончалари, сузиш ҳавзаси, спорт комплекси ва автомобиллар турар жойлари мавжуд.

Янги уйлар биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга мўхтож, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, уйга мўхтож ёш оилаларга берилаётгани ҳам эътиборга молик жиҳат. Чунки, шундоқ ҳам тақдирнинг оғир зарбаларига дош бериб келаётган бу юртдошларимизга янада кўпроқ эътибор, меҳр ва ғамхўрлик керак.

Пойтахтлик Анора опа Эрматова ҳам болалари билан анчадан буён уйга мўхтож бўлиб, мураккаб шароитда яшаган аёллардан. Эндиликда у янги, файзли, кўркем хонадонга кўчиб ўтди.

— Бир неча йиллар олдин тақдир тақозоси билан турмуш ўртоғимдан айрилдим, икки қизим билан бўтадай бўзлаб қолдик, — дейди Анора опа. — Юнусобод туманидаги ётоқхоналарнинг бирида бир хоналик уйда турардик. Уйга мўхтож фуқаролар учун кўп қаватли уйлар қурилаётганини эшитиб, хурсанд бўлдик. 2019 йил охирида ҳоқимликка ариза топширдик ва мана 5 ой ичда янги уйга кўчиб ўтдик. Уйнинг бошланғич тўлови ҳоқимлик томонидан тўланди. Бундай ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиздан, Президентимиздан мин-



натдормиз. Катта қизим ишлайди, кичиги мактабда ўқийди. Ўзим ҳам боғчада ишлайман. Ҳозир карантинлиги учун уйдамыз. Ҳар замонда ҳолимиздан хабар олиб, рўзгор учун зарур маҳсулотлар келтиришди.

Мана шундай шинам, замонавий, кўркем хонадон эгасига айланган яна бир опамиз ўз хурсандчилигини яширолмади.

— Икки вояга етмаган фарзандимни ёлғиз боқман, — дейди Севара Фаттоева. — Уйга мўхтож эдим. Янги қурилган уйлардан икки хонали уй берилди. Барибир ўз уйинг, ўз Ватанинг бўлгани яхши. Уйлар шинам, барча шароит бор. Уй дизайни менга кўпроқ ёқди. Фарзандларим мактабда ўқишади. Мени фарзандларимнинг ўқишини қаерда давом эттириши ўйлантираётгани. Уйимизнинг тўғрисида янги мактаб қуриляпти. Насиб қилса, шу йил сентябрь ойигача фойдаланишга топширилар экан.

Туманнинг "7А" мавзеси, 8-9 қурилиш майдонлари худудида барпо этилган хонадонлар юртимиз ҳаётининг турли соҳаларида муваффақиятларга эришаётган ёш оилаларга топширилган. Мазкур "Ешлар уйлари" 20 йил мuddатга имтиёзли ипотека кредити асосида берилди.


Янги уйлар икки ва уч хонали бўлиб, бу ерда ёш оилаларнинг тўкин, фаровон ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилган. Шундай бахтга муряссар бўлган тенгдошимиз билан сўхбатлашдик.

— Ватанли бўлиш бахти инсонга ўзгача руҳият бахш этади, — дейди Шаҳзод Тўраев. — Халқимиз бежиз "Ўз уйинг, ўлан тўшагинг" деб айтишмайди. Тошкент шаҳрида ўз уйимиз бўлмагани сабабли, ижарама-ижара кўчиб юрардик. Яқинда замонавий лойиҳалар асосида қурилган "Ешлар уйи"дан олдим. Мазкур турар жой хоналари ёруғ, шинам ва қулай, барча шароити бор. Ошхона ва ювиниш хоналари деворларига алоҳида ишлов берилган. Меҳмонхона кенг бўлиб ўзбек халқининг бағрикенглигига ишора. Узун йўлак ошхона, ётоқхона ва меҳмонхонага олиб боради. Ҳар бир био олдида болалар учун ўйингоҳлар ва манзарали яшил майдончалар ўрнатилган. Бу каби қулайликлар инсонга ҳузур бағишлайди.

Бундан 3-4 йил олдин яёдоқ дала бўлган худуд бутун кўп қаватли уйлар чироқларидан чарогон, элим-юртим деб яшагучи, интилувчан Ватандошларимиз, уларнинг жажжи фарзандлари кулгусидан файзли, обод ва фаровон гўшага айланган.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ўз уйига эга бўлса, кўнглида хотирхамлик, ишида унум ва барака бўлади. Бунга асос бўлган бахтга мушарраф бўлаётган юртдошларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бу эса юртимизда амалга оширилаётган катта ўзгаришлар йўлидаги нурли бекат сифатида тарихда қолиши, шубҳасиз.

**Нурилло НАСРИЕВ,**  
ЎЗА мухбири



адашганлар

қонун олдида жавоб беришди

Бир гал цех ишчилари билан сўхбат чоғида автомашина сотиб олмакчи эканини айтган бўлса, бир ҳафта ўтгач, гап очилганида, "Кобальт" суммаси яхши бўлса керакда" деганди. Ушанда бу гапни Д.Жумабоев ҳам эшитганди.

Жиноятнинг келиб чиқиш сабабига тўхталадиган бўлсак, босқинчилик рўй беришдан ўн кун олдин Пирназарнинг уйида тўй бўлган, синглиси Моҳияни турмушга узатишган эди. Тўйдан икки ой бурун уйни таъмирлаш бошланган, бу ишга ҳам анча-мунча чиким қилинганди. Оила уй таъмирини тўй билан моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолганди.

Пирназар, Зариф, Доноқуллар қалин дўстиги боис бир-бирларини яхши тушунишар, ўрталарида яширадиган сирлар ҳам йўқ эди. Ишдан сўнг улар бўш вақтларини кўпинча болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш марказида ўтказишарди.

Синглисининг тўйидан сўнг кўп ўтмай Пирназар дўстларига "дарди"ни ёради. Ушанда улар соғломлаштириш марказидан қайтишганди. Пирназар моддий жиҳатдан қийналиб қолганидан ёзғириб, ўғирлик йўли билан бўлса-да, катталар боғлиқлиги эгаллаши кераклиги, бундай жойни топиб бўлмаётганини айтиди.

— Енгил автомашина сотиб олиш ниятида уйда пул сақлаётган одам ҳақида менда маълумот бор, — дейди Д.Жумабоев. — Уша одам билан битта цехда ишлаймиз. Аканинг ўзи ҳам, хотини ҳам кўпинча кундузи уйда бўлмайди, қизи

билан ўғли мактабда ўқийди. Шундан сўнг Д.Жумабоев Олим Бобожоновнинг яшаш манзилини аниқлайди. Унинг жинойи режаси Пирназар билан Зарифга ҳам маъқул тушади.

17 сентябрь куни соат ўн тўртда Пирназар Зарифга кўнгирак қилиб, Олим Бобожоновнинг уйи яқинига келишини, ўзи ишдан чиқиб, ўша ёққа бораётганини айтиди. Улар учрашишгач, Пирназар О.Бобожоновнинг уйи олдидаги ўриндиққа ўтиради, Зариф эса, уйнинг ёнида туриб, қузатишни давом эттиради.

Уйда одам бор-йўқлигини аниқлаш жуда зарур эди. Агар ҳеч ким бўлмаса, балкон деразаси орқали ичкарига киришни мўлжаллашганди. Кузатув натижа бермагач, тоқат-сизланганча Пирназар О.Бобожоновнинг уйи эшигини тақиллатади.

Эшикни хонадоннинг қизи Нафосат очди. Пирназарнинг "Рая опанинг уйи шуми?" — деган ёлғон саволига "йўқ" жавобини айтиб, эшикни ёпиб қўйди.

Уйда одам борлиги боис жинойи режани амалга оширолмастлигига кўзлари етгач, улар жимгина ортларига қайтишга мажбур бўлишади. Эртасига, яъни жиноят содир этилган кунни эрталаб соат еттига қирқда Зариф Пирназарнинг уйига келади. Йўлга гараз мақсадда отлана туриб, Пирназар қора рангли трико, тўқ қизил кўйлак, бошига яшил кепка, оёғига оқ рангли кетасини кийиб, юзини ёпиш учун оқ-қизил рангли рўймолчасини олганди.

Зариф эса, қўлқоп, скок бўлаги, қора матодан тайёрланган ниқоб билан жиноят қилишга, бойлик орттиришга жад қилади.

Қисқаси, О.Бобожоновнинг хонадонига "сантехник" сифатида кирган, Алижонни алдаб, вақт ўтказишга, шеригининг бойлиқни жинойи йўл билан эгаллаб олишига имкон яратиш чорасини ахтарган ва бунга эришган шахс бу — Пирназар эди.

Пирназар Алижон билан ошхонага кириб кетган пайтда Зариф очик қолган эшикдан сездирмай уйга кирган, ўрған томондаги меҳмонхона, у ердан эса, балконга ўтган эди. Кейин эса, темир сейфни кўриб, қалитни излашга тушган, аммо қалитни топа олмагач, "болгарка" билан сейфнинг эшигини кесиб очган эди.

Қисқаси, сейфнинг эшигини очгач, Зариф пуллари аёллар сумкасига солади. Сигмайд қолганини эса, балконда турган қора целлофан пакетга жойлайди. Серванд устидаги сариқ рангли мобили аппаратни ҳам олишни унутмайди. Эшикдан кўчга аввал Зариф, кейин Алижоннинг қўл-оёғини скок билан боғлаган Пирназар чиқади. Улар босқинчилик йўли билан 26 миллион 500 минг сўм маблағни ўмарошганди.

Зариф П.Облоқуловнинг уйда бақовуллик қилади, пулдан 9 миллион 200 минг сўмини Пирназарга беради. Қолган 17 миллион 300 минг сўмдан 9 миллионини ўзига, 8 миллион 300 минг сўмни Д.Жумабоевга ажратиб, уйига олиб кетади.

\*\*\*  
Энди оғир қилмиш — босқинчилик жиноятининг бошқа турдаги жиноятлардан фарқи жиҳатларини ушбу мисол асосида таҳлил қиладиган бўлсак, П.Облоқулов билан З.Тожиддиновлар воқеа жойига босқинчилик жиноятини содир этиш учун олдиндан

тайёргарлик кўриб боришган. Эшикни О.Бобожоновнинг вояга етмаган ўғли Алижон очгач, уйда одам борлигини билиб, улар орқага қайтишмаган. Аксинча, уйда катталар йўқлигидан фойдаланиб, жинойи мақсадларини амалга ошириш учун хонадонга бостириб киришган.

Олий суд Пленумининг "Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 2-бандига кўра, ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолганига қарамақадан айбдор томонидан мулкка эгаллик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш билан бундан тўғрисида 28-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

Судланувчи Д.Жумабоев жинойи шериклари П.Облоқулов билан З.Тожиддиновга О.Бобожонов уйда пул сақлаб келаётгани, унинг иш тартиби ва келиб-кейтиш вақти тўғрисида маълумот бериб, босқинчилик жиноятини содир этишга ёрдамлашган. Юқоридаги асосларга кўра, суд судланувчи Д.Жумабоевнинг жинойи ҳаракатини Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "в" бандидан Жиноят кодексининг 28, 164-моддаси 3-қисми "в" бандига қайта малакалади.

Суд хукими билан П.Облоқулов ва З.Тожиддинов — олти йилдан, Д.Жумабоев эса беш йил мuddатга озодликдан маҳрум этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, қалтис йўл — ўзгалар бойлиқига кўз тикиш соғир бандаларнинг ҳаётини заҳар-зақумга айлантди, яроқсиз мемага қантар йўловчи каби ҳалокатга йўлиқтирди.

**Шухрат КАМОЛОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Навоий вилояти суди  
раисининг ўринбосари  
**Абдуҳамид  
ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
"Куч — адолатда" мухбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Конституцияимизнинг 93-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади.

Сўнги йилларда барча соҳалардаги изчил ислохотлар каби бу борадаги чора-тадбирлар ҳам янги босқичга кўтарилди. 2018 йил Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Жазодан озод қилишда, асосан, вояга етмаганлар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ҳам юртимизда инсонпарварлик тамойиллари ҳамда ижтимоий ҳимоя устувор эканлигини кўрсатади.

Энг муҳими, амнистия акти қўлланилганида маҳкумлар

Муносабат

Кечиримлилик ҳам адолатдандир

айбига пушаймонлигидан, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаган ё қопламаганидан қатъи назар, жазодан озод этиларди. Афв актида эса, айнан тузалиш йўлига кирганларгина бу имкониятдан фойдалана олади.

Афв — амалдаги ҳуқуқий меъёрларда қайд этилганидек, муайян шахсларни ёши, соғлигининг ҳолати, оилавий аҳолини тавсифловчи шахсий маълумотларни инобатга олиб, жазодан озод қилишдир.

Фақат суд ҳукми билан жазо тайинланган маҳкумларга эълон қилинадиган афв айнан аниқ шахсларга қаратилганлиги, фақат Президент томонидан эълон қилиниши билан янада аҳамиятлидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, афв акти инсонпарварлик, меҳнат, таҳлил ва эътибор талаб қиладиган изчил ва алоҳида жараён ҳоқимиятидир.

Бунда махсус ишчи гуруҳ жойларга чиқиб, ҳар бир маҳкум билан яқка тартибда сўхбатлар ўтказиш, тегишли ҳуқуқларни қарор қилиш, шундан кейингина афвни қўллаш масаласини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича махсус комиссия ҳал қилади.

Президентимизнинг муборак Рамазон ҳайити арафасида эълон қилинган "Жазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда мазкур қадриятлар бардавон эканлигини яна бир бор исботлади.

Фармонга мувофиқ, Конституцияимизнинг 93-моддаси 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 258 фуқаро афв этилди. Бу дийримиздаги шунча хонадонга қувонч кирди, бу оилалар бир аъзосининг қайтиши билан бут бўлди, деганидир.

Катта умид билан айтаемизки, ушбу фуқаролар тўғри йўлга қайтди, ҳаётдан тегишли сабоқ чиқарди ва ўзини хатолардан асрашни ўрганди. Афв этилган шахсларнинг 16 нафари асосий жазодан озод этилди, 101 нафари жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли озод қилинди, 24 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди.

Шунингдек, 117 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг мuddатлари қисқартрилди. Афв этилганларнинг 7 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 1 нафарини аёл, 7 нафарини чет давлат фуқаролари ташкил этади. Яна бир эътиборли томо-

ни шундаки, афв этилганларнинг 164 нафари таққиланган ташкилотлари иштирокчилари бўлган. Бу бир қарашда, муайян иқтисодчиларни келтириб чиқариши табиийдир.

Аммо инсон адашади, хато қилади. Энг муҳими, хатони тан олиш ва ундан пушаймон бўлишдир. Бунга тўла тушуниб етиш учун қалб керак, юрак керак. Фармонни ўқиган ҳар бир киши мазкур ҳужжат замирида давлатимиз раҳбарининг қалб амри, оталарча меҳри ва ғамхўрлиги мужассамлигини кўради.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилган. Бу борада амалий ишлар бошланди кетди.

Дона халқимизда "Қасални даволагандан кўра, унинг олдидини олган афзал", деган ҳик-

матли нақл бор. Дарҳақиқат, муаммо пайдо бўлгач, уни бартараф этгандан кўра, барча кучимизни ана шу ноҳуқлик содир бўлишини олдиндан пайкаш ва унинг юзага чиқмаслиги учун курашишга қаратиш тўғри қарордир.

Кечиримлилик халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Кечирилган одам — айбини ҳис этган, қалтис хатосини асло такрорламайдиган, чин кўнгиладан пушаймон бўлган, тўғри йўлга тушиб олишга қодир инсон. Ҳа, баъзилар ўз ҳаётда билиб-билмай хатога йўл қўйиши мумкин. Бироқ агар улар хатоларини тан олиб, пушаймон бўлишса, кечирилганга лойиқдирлар. Бундай инсонларга яна бир бор имкон берилади, улар оиласи бағрига қайтади. Ахир, улар ҳам шу юрт фуқаролари.

Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётда тутган ўрни, жамиятимизда саҳийлик, шукроналик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улғурлашдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Ҳа, муқаддаси ўтаётган, қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий кирган маҳкумларнинг муборак айём арафасида афв этилгани халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олжаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Кечиримлилик ҳам адолатдандир. Бу албатта, халқнинг янада бир бутун бўлиб жинс-лаштиришга, эртанги кунга ишончи ортишига, жамиятимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ахиллик фазилатлари янада кучайишига хизмат қилади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси дастурий вазифалари қаторига қонун усувулини, инсон ҳуқуқлари ва бурчларини амалда тўла таъминлаш каби давлат ва жамият учун муҳим масалаларни киритган. Қонун устувор бўлган давлатда жиноятлар ўз ўзидан камаёверади.

Адолат бор жойда — тараққиёт бор, барака бор, юксалиш бор. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ англаса, бир-бирига даҳл кўрсатмайди, зиён келтирмайди.

Биз давлатимизнинг инсонпарварлик сийсатини қўллаб-қувватлашимиз ва аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз, Зеро, эл-юрт фаровонлигига барча масъул, тинчлик-осойишталикни таъминлашга ҳисса қўиш ҳаммамизнинг вазифамиз.

**Наримон УМАРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,  
"Адолат" СДП Сийбый Кенгаши раиси

Турмуш чорраҳаларида

Болам

Бади

Эй дил! Ул не зрур — оғирдан-оғир? Айрилиқдан юрак титраб зир... Фарзандномадан.



қайнота-қайнонаси эшиги зулфини секин-аста ура бошлади. Олтмишни қораламиш қайнонаси: "Ким?" — дея эшикни қия очиб, анча вақтдан буён қорасини кўрсатмаган собиқ куёвига қараб, ҳайрондан-ҳайрон бўлди. Ийманиб секингина айтган гапи: — "Келинг, болам, келинг... Сизга ким керак?" — деган андуҳ бўлди. Юсуфбойнинг бир дам тили лол бўлиб, сўнг: — "Болам, Юнусжоним!" — деди, тугила-тутила. — "Бир кўрсам,

майлими?" — дея, кўз ёши шашқатор бўлди. Буни кўрган қайнонанинг ҳам кўнгли бузилмиш, лабини тишлаб оҳиста айтари: — "Болам, Юнусжон аяси билан кетган-ку!" — демиш бир гап бўлди. Юсуфбойнинг бўғиздан "Аа-а!" деган хирқирок бир товуш ситилиб чиқиб, каловланиб сўрагани "Қаёққа, нега кетди?", — деган савол бўлди. Мулойимдан-мулойим "қайнона" ўзини гуноҳкор тутгандай, "На илож, тақдир экан,

Ойимхольни эрга бердик, эри билан келиб боласини ҳам олиб кетди", — деди. Юсуфбой бир бўзарди, бир гезарди, сўнг кўзда ёши гилтиллаб, аяга мўлтираб: "Манзилни айтинг, болам-болажонимни бир кўрай!" — дея олди аранг... "Қайнона"нинг гапидан Юнусжоннинг ўз аяси ва ўғай отаси билан ўзга юртга доимий яшашга кетганлиги аён бўлди. Юсуфбойнинг алами — олти, ситами — саккиз бўлиб, фарзанд согинчи бағри-дилини беҳад эзар, изтироб кўнглини буткул титкилар бўлди. Фамнинг юки оғирдан-оғир кечди. Мунгайиб туриб қолган Юсуфбой бирдан ўзининг кичирайиб, ҳам қариб қолганини хис қилди. Энтикиб-энтикиб нафас олди. Ўзини бир зум ўғлининг ўрнига қўйиб кўрди: "Болам бўлган кимга сизинди, кимнинг қўлига, кўзига мўлтираб турибди?!", — деган кўйиш кўкайини кўйдирди. Ҳеч бир чорасиз ва иложсиз уйи томон судралиб бораркан, Юсуфбой худди кўроғиндай оғир бир ўй сурар,

охирги марта боласини қачон кўрганини эслар бўлди: унда ҳали Юнусжонни эндигина беш ёшга қадам қўйган бўлиб, шўхдан-шўх, шириндан-ширин бола эди... Яна ёдига келгани, аччиқ устида "уч талоқ" қўйиб, Ойимхольнинг "жавобини" бергани, боласи "дадам-дадам" дея йиғлай-йиғлай онасига эргашиб кетгани, кейинчалик ота-онаси, маҳалла-қўй, маҳкама-суд яраштириш учун кўп уринганига уларга "Ҳаёт меники, фақат ўзим биламан, ўзим ҳал қиламан" — деган ўта нодон-худлисанд жавоби бўлди. Энди эса... Энди Юсуфбойнинг фиғони фалак бўлди, "Ўшанда шу ақлим қайда эди, мен ҳали бургага аччиқ қилиб, ўз кўрпамни ёқдимми?!" — дея, "Болам бегона уйда, бошқа биловни ота деб ўсарми, ўқисиниб улгайарми?!", — дея қақшаб-қақшаб, ўз бағрини тузалар бўлди. Жўяли бирон-бир сабабсиз хотинини ҳайдаб, ўзини — боласидан, боласини ўзидан айирганига мингдан-миг пушаймон бўлиб, соғинчу қаламдан ҳўрлиги келиб, фироқдан оху фарёд чекиб, бўзалар бўлди: Сабр нима билмайин, жаҳл отини ўзгитган, Меҳр нима билмайин, ўз бахтини тўзгитган, Изгин тортдириб сени, бугун ўй қон ютган, Сени уйдан қўймайин, отанг ўлсин болам-ов!

Мана, гарчи ҳар йилгидан ўзгача тарзда бўлса-да, яна бир ўқув йили якунига етди. Энди умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллеж битирувчилари учун янада жиддий синовли дамлар бошланмоқда. Яъни санокди кувлардан сўнг улар олий ўқув юртларида тест синовларини топширишади.

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

Илм қаллобликни кечирмайди



Ҳеч кимга сир эмас, ана шундай кезларда ўзини қўли узун инсон сифатида кўрсатиб, ўқишга кириштириб қўйиш ваъда қилувчи айрим фирибгар кимсалар ҳам гимирлаб қолишади. Айниқса, ўзининг билимига ишонмаган ёки ўқишга киришни осон йўлини қидирувчи айрим ёшлар бундай "ҳожатбарор"ларнинг тузоғига осон илинишнидир. Бинобарин, қуйидаги жиноят иши мисолида аби-туриентлар, уларнинг ота-оналари ва яқинларини ана шундай кимсаларнинг фириб тўридан оғохлантиришни лозим топдик. Энг афсусланарли жиҳати шундаки, бугунги "қаҳрамон"имиз саводсиз ёхуд қилмишининг оқибатини тушунмайдиган кимса эмасди. Чунки у Фарғона вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази "Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим методикаси" кафедраси мудири Набижон Самадов (исм-шарифлар ўзгартирилган) бўлиб, нафақат зиёли инсон, балки устозларнинг устози саналарди.

Тўғриси, Дилмурод Лутфиддинов бундай жавобни кутмаганди. Шу боис у бирдан ҳафсаласи пир бўлган-дек, бўшашиб қолди. Негаки, уни "Кизимни ҳамма фанлардан тайёрловга бердим, репетиторлар шунга яраша пул оляпти. Яна нима учун шунча маблағ сарфлаш керак? Қолаверса, бунча пулни қаердан топаман?" — деган савол ўйлантириб қўйганди. Бинобарин, Д.Лутфиддинов йўлай-йўлай, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди. Оқибатда макур ҳолат узасидан тезкор тадбир ўтказилди. Яъни 2019 йил 23 июль куни Н.Самадов ўз ҳонасида ундан 600 АҚШ долларини олиб, стол тортмасига солиб қўяди. Бироз-бироз сўнг эса, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва ДХХ Фарғона вилоят бошқармалари ходимлари томонидан ушланади. Пировардида Набижон Самадовга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми, 28, 211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди эса, айбдорга қонуний жазо тайинлади. Шунингдек, унга 1 (бир) йил муддатга ҳалқ таълими соҳасида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларининг билим даражаси ҳақида суҳбатлашишганда В.Шокиржонованинг қизиш қобилияти талабга тўлиқ жавоб бермаслигини тилга олишди. Шунинг учун улар қизга янада кўпроқ машқ қилиш шартлигини, аксинча, амалий имтиҳонда юқори бал ололди қобилиятини тушунтиришди. Лекин Вазира бундан тушунликка тушиб, уйига йиғлаб боради. Бинобарин, унинг отаси Дилмурод Лутфиддинов ҳам маслаҳат, ҳам қизининг ўқишдан хабар олиш мақсадидида Н.Самадовга учрашади. Шунда устоз бўлмиш юмшоқлик билан гап бошлади: — Эгамназар домла билан ҳам гаплашдим, ўзим ҳам кузатиб борапман, кизимизнинг чиза олиш даражаси унчалик яхши эмас, — дейди у. — Шунинг учун олдингизга маслаҳат сўраб келгандим, — дейди Дилмурод ака унга саволмуз қараб. — Жуда вақтида келибсиз, албатта, сизга ёрдам бераман, — дея аввалига Д.Лутфиддиновнинг кўнглини кўтарган бўлди домла. Сўнг асл мақсадга ўтди. — Хўп десангиз, университетдаги танишларим билан гаплашаман.

Х. ЁДГОРОВ

Ишонч тўйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди. Ўзаро ишонч асосида пайдо бўлган дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиши қанчалик мустаҳкам бўлса, бундай муносабатлар шунчалик безавол ва бардавом бўлади.

Бироқ ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар ўзларининг чиркин мудаосига етиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳатто ишончдек инсоний покиза тўйғуси ҳам ниқоб қилиб олишдан қайтмайди. Ана шундай кимсаларнинг кирдикорлари хусусида ҳаётий мисоллар асосида фикр юритамиз. Гап шундаки, эндигина йигирма бир ёшни қаршилаган судланувчи Шаҳноза Шаропова (исм-шарифлар ўзгартирилган) отаси Зариф Шаропов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, жиноятга қўл урган. Судланувчи З.Шаропов айти пайтда Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра озодликдан маҳрум этилган. Ота-бола 2017 йил апрель ойида Қарши шаҳрида "Нефтич" маҳалла фуқаролар йиғини худудидида "Ягона олтин тож" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган. Ота ушбу жамиятга иш юритувчи қилиб тайинланган бўлса, қизнинг ўзи эса, жамият бошқаруви раиси сифатида фаолият юритган. Икковлон аввалбошданок хизмат вазибаларни суиестемол қилиш йўлидан борган. Яъни ҳужжатларни қалбақлаштириб, ўзгалар мулкни қўлга киритиш мақсадидида, фуқароларга гўёки Ўзбекистон ва хоризда ишлаб чиқарилган хоҳлаган русумдаги автомашиналарни лизинг-кредит асосида сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланишини тарғиб қилган. Шунингдек, "Йигит ва қизларни ҳамда эркек ва аёлларни таништирамиз" шаклидаги эълонларни тайёрлаб, Қарши шаҳри ва бошқа туманлардаги бозор ҳамда одамлар гавжум жойларда илиб қўйишган. Улар шу тарзда ўз жиноий фаолиятини бошлаб юборишган. Дастлаб уларнинг фириб "тузоғи"га Қарши шаҳрида яшовчи Зафар Эшназаров тушди. Эълонни ўқиб, жамият идорасига келган Зафарнинг "Нексия-3" автомашинаси сотиб олиш истаги борлигини эшитиб, Шаҳноза гапни узоқдан бошлади: — Жамиятимиз анчадан буён марказдаги "FINANS AVTO" МЧЖ билан ҳамкорлик қилади. Шу соҳадаги бошқа масъул идораларга нисбатан имкониятлари кўп. Агар истасангиз, Ўзбекистон ва хоризда ишлаб чиқарилган хоҳлаган турдаги авто-

машинани ушбу корхона орқали олиб беришимиз мумкин. Бу "таклиф"ни эшитган Зафар ўзида йўқ хурсанд бўлди ва автомашина сотиб олишга рози эканини билдирди.

Жиноят ва жазо

Ўзшувутлик



ёхуд "тадбиркорлик"нинг антиқа йўли Суд очерки

Қаранги, Шаҳноза З.Эшназаровнинг ишончига кириш мақсадида, Вазирав Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги "Автотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга ижарага беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мутлақо зид равишда йўл тутди. Яъни агар Зафар "Нексия-3" автомашинасининг 64 миллион 552 минг 956 сўм бўлган нархидан 35 фоизини, демакки, 19 миллион 365 минг 886 сўмини нақд тўласа, бир ойда МЧЖ ҳисобидан қарзга автомашина олиб бериши мумкинлигини айтиди. Шаҳноза ҳатто Зафар автомашинани ишончнома орқали бошқариши мумкинлигини ҳам билдирди. Қолган пулини бўлиб тўласа ҳам бўлишини, шундан сўнг автомашинани унинг номига расмийлаштириб беришини айтиди. Шу тариқа 2017 йил 7 июнда "FINANS AVTO" МЧЖ номида расмийлаштирилган қалбақи 29-сонли "Ижарага сотиб олиш ҳақида"ги икки томонлама шартнома ҳужжатлаштирилди. Шаҳноза фирибгарлик йўли билан Зафарнинг 57 миллион 400 минг сўм пулини қўлга киритиб,

ўз эҳтиёжига сарфлаб юборди. Отанинг "Химоя"сида устомонлик билан фирибгарлик ва товламачиликнинг роса "ҳадис"ини олган Шаҳноза худди шу каби кингир ва алдов йўли билан: Комил Худоевовдан — нархи 44 миллион сўмлик "Матиз" автомашинаси учун 13 миллион 900 минг сўм; Салом Шералиевдан — нархи 58 миллион сўмлик "Нексия-2" автомашинаси учун 9 миллион 700 минг сўм;

ойлаб овораю сарсон бўлишди. Аммо халқимиз кўза кунда эмас, кунда синади, деб бежизга айтмаган. Бу фирибгар қизнинг алдовларига "чув" тушган жабрланувчилар кеч бўлса-да, ўз хатоларини англаб етишди. Ахийри, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишди. Кейинчалик ваколатли идоралар томонидан ўтказилган текширув ва суриштирувлар асосида Ш.Шаропованинг барча ноқонуний хатти-ҳаракатлари фож этилди. Бинобарин, бу ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Ш.Шаропованинг кирдикорларига ҳам суд ҳайъати томонидан ҳолис ва адолатли баҳо берилди. У Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан, жазо муддатини ўтайдиган бўлди.

Шу билан бирга, жабрланувчиларга етказилган ҳам 263 миллион 592 минг 976 сўм моддий зарар судланувчи ҳисобидан ундирилиши суд ҳукмида алоҳида қайд этилди. Бир қараишда, жиноятчи қилмишига яраша жазо олган, ҳаммаси адолатли якун топгандек туюлади. Аслида ҳам шундай. Бироқ юқорида баён этилган ҳолатлар ҳақида фикр юритганда, кўнгиладан баъзи мулоҳазалар кечади. Хўш, жабрланувчилар нега фирибгар кимсаннинг тузоғига ҳар гал осонгина тушиб қолавердишди? Афсуски, жабрланувчилар белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмаган. Бу билан Ш.Шаропованинг жиноий мақсадини амалга оширишига йўл очиб берганлар. Ш.Шаропованинг "Йигит-қизлар ҳамда эркек-аёлларни таништирамиз" қобилидаги файрқонуний ишлари ҳам алдов ва фирибгарликнинг бошқа нарсаси эмас. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фирибгарлик йўли билан ўзгаларни "чув" тушириш эвазига мўмай даромад ортиришга уринадиганлар охири-оқибат қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Бундан ҳам ёмони шундаки, бу каби нохуш қилмишлар кишини юзшувут қилиб қўйиши тайин. Шундай экан, ҳалол меҳнат қилиш, виждон амрига қулоқ тутиб яшаш умрининг асл мазмуни эканини асло унутмаслик керак. Фаррух НИЁЗОВ, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси Абдунаби БОБОЁРОВ, "Куч — адолатда" муҳбири

Куч — адолатда МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Козимджан КАМИЛОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Светлана АРТИКОВА, Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Олим ХАЙИТОВ, Азиз МИРЗАЕВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ХАМРОЕВ, Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий қўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575. Буюртма: Г-623. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8238. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23<sup>00</sup>. Топширилди: 1<sup>00</sup>.